



# Ў Қ У Қ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 28-МАЙ, №21 (1218)



1 ИЮНЬ - ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

БОЛАЛАРГА  
БЕРИНГ  
ДУНЁНИ!

7-БЕТ

## МИЛЛАТ БОРЛИГИ ВА БУЮКЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

Эрксева шoir, машҳум қатағон йилларининг қурбони Чўлпон таъбири билан айтганда, адабиёт яшаса, миллат яшайди. "...Қаҳрамонона умид, қаҳрамонона ҳис ва қаҳрамонона ғайрат – барчалари тарихий адабиётнинг натижасидан бошқа нарса эмас".

Бинобарин, Давлатимиз раҳбари тараққийтимиз янги босқичининг илк кунларидан бошлаб адабиёт

ва адибларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, уларга ғамхўрликнинг олий намунасини кўрсатмоқда.

Бугунги куннинг мавжуд қийинчиликлари, турли муаммоларига қарамасдан, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бoғида қисқа фурсатда барпо этилган Адиблар хиё-

бони бу борадаги навбатдаги залворли қадам бўлди.

Бу маскан нафақат адабиёт аҳли ва талабалар, балки эзгу ниятли барча инсонлар интиладиган, зиёрат қиладиган табаррук жойга айланди.


Адиблар хиёбони эса барчани ана шундай бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлишга, ноёб истеъдодларнинг руҳига, улар сиймосида халқимизга ҳурмат бажо этишга чорлайди.

Шу боис, 27 май куни Бош прокуратура, унинг ҳузуридаги Академия ҳамда "Ўқиқ" газетаси таҳририяти ходимлари машҳур адибларимиз, жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлигида Адиблар хиёбонида бўлди.

Ташриф асносида прокуратура органлари вакиллари мазкур мўтабар масканда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитлар билан танишиш баробарида адабиётнинг ҳаётимизда тутган ўрни, олдимишга қўйилган буюк мақсадларга эришишда бу ноёб воситанинг аҳамияти хусусида зиёлилар билан суҳбатлашди.

Буюк аждодларимиз руҳига эҳтиром тимсоли сифатида улар ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати



2020 йил 27 май  
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар  
3355 нафар



Соғайганлар  
2668 нафар



Вафот этганлар  
14 нафар

## БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда ердан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларни тўғри жойлаштириш чоралари кўриляпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ерлар ҳуқуқнинг қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида»ги низом асосида ажратилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 15 майгача республика бўйича 10236 та (964 гектар) бўш ер майдони аниқланган. Шунингдек, 9254 та (898,2 гектар) ер майдони тегишли идоралар билан келишиш учун «Yerelektron» ахборот тизимига киририлган. 2094 та ҳолатда эса архитектура режалаштириш тошпириги ёки бош режага тўғри келмагани, ер остидан коммуникация тармоқлари ўтгани ва бошқа сабабларга кўра рад этилган.

Прокуратура органлари томонидан юқорида номи келтирилган низом талабларига риоя этилиши бўйича назорат ва мониторинг тадбирлари ўтказилди. Уларда биргина Навоий вилоятида 25 та бўш ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматидан ҳам паст нархда баҳоланиб, электрон онлайн-аукционга чиқарилгани ҳамда тегишли ташкилотларга келишиш учун юборилган сўровларни кўриб чиқиш муддати ҳам бузилгани аниқланди. Ушбу

ҳолатлар бўйича вилоят прокуратураси органлари томонидан 9 нафар масъул шахснинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Хусусан, тизим орқали «Ўзбектелеком»нинг Навбахор тумани филиалига келишиш учун 2020 йил 15 мартда юборилган 5 та ер майдони ҳақидаги мурожаат қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган. Шу сабабли филиал бошлиғи Ф.Х.га нисбатан маъмурий иш кўзгатилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Шу каби Томди тумани давлат солиқ инспекцияси инспектори Ш.У. Шарқ массиви ҳудудида 0,49 гектар ерни белгиланган нархдан 9 млн. 343 минг

### ДСИ инспектори ерни салкам 10 млн. сўмга арзон баҳолаб, аукционга чиқарган.

сўм арзон баҳолаб, аукционга чиқаргани аниқланиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилади.

Бу борада прокуратура органлари ўтказётган назорат тадбирларида ер участкаларини бериш жараёнидаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларга барҳам берилмоқда.

**Абдурахим МУҲИДДИНОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма  
катта прокурори

## FAOLIYAT

## БАНДЛИК МАРКАЗИДАГИ ТАЛОН-ТОРОЖЛИК

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик такомиллаштириляпти. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шароит яратилмоқда. Ишсизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиляпти. Аммо, бу каби хайрли ишларга соя солаётганлар ҳам учрамоқда. Хусусан, Бағдод тумани бандликка кўмаклашиш марказининг ушбу йўналишдаги фаолиятида жиддий қонунбузилишлар аниқланди.

Хусусий корхоналар, тадбиркорлар билан шартномаларга асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган фуқароларга иш ҳақининг 50 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тўланиши белгиланган. Бандликка кўмаклашиш марказининг директори Илаш Ҳуроқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг ушбу талабига риоя қилмаган. Ҳар ҳафтада камидан бир марта меҳнат инспекторлари томонидан жамоат ишлари мониторинги расмийлаштирилишини назорат қилиб бормаган. Бундан ташқари, жамғармадан иш ҳақи учун ажратилган маблағ талон-торож қилинишига йўл қўйган. Марказда ўтказилган ҳужжатли тафтиш арафасида бош ҳисобчи иш берувчилар билан тузилган шартномалар бўйича жамоат ишларига жалб этилганларга иш ҳақи тўлови ҳужжатларини «тўғрилаб» кўйишни тайинлаган. Бош ҳисобчи Н.Ҳамидуллаев тузган, тумандаги 24 та хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият, фермер хўжалиги, тадбиркорлар билан шартномаларга мувофиқ 101 киши жамоат ишларига ишлагани, уларга иш ҳақи тўлаш учун пул ўтказиб берилгани ҳақида сохта мониторинг далолатномаларига имзо чеккан. Бундан ташқари, тафтишда марказ ходимларини рағбатлантириш учун ортиқча маблағ сарфлангани аниқланди.

Ойини этак билан ёпиб бўлмаганидек бош ҳисобчи ва директорнинг кирдикорлари ҳам фож этилди. Тергов давомида улар давлатга етказган 104 млн. 332 минг сўм зарарни тўлашди. Суд директорга жарима, бош ҳисобчига ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

**Адхамжон ТОЖИМАТОВ,**  
департаментнинг Бағдод тумани бўлими бошлиғи



## САДОҚАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига квота асосида олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома берилиши белгиланган.

Хозирги кунда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган, ярадорлик ёки касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига квота асосида ўқишга кириши учун тавсияномалар ҳарбий прокуратура, ҳарбий қисм қўмондонлиги ҳамда мудофиа ишлари бошқармалари вакиллари томонидан уйларида олиб бориб топширилмоқда.

Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган катта лейтенант Рустам Тоғавнинг хонадонига ҳам шундай қувончли тадбир ташкил этилди. Термиз ҳарбий прокуратураси томонидан марҳумнинг Бойсун тумани Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилаётган фарзанди Гулсара Норқобиловага имтиёзли тавсиянома топширилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги, Бойсун тумани мудофиа ишлари бўлими ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкилланган ушбу хайрли иш бўлажак абитурентга бир олам қувонч бахш этди.

**Ғиёсиддин РАҲМОНОВ,**  
Термиз ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



## ОТА-ОНАЛАР ЯРАШДИ, БОЛАЛАР ХУРСАНД

Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти бошқармасининг ҳудудий бўлимлари алимент ундируви билан боғлиқ ишлар юзасидан диний уламолар, маҳалла фаоллари ва қариндошлар билан профилактик ишлар олиб бормоқда. Натижада ота-оналар яраштирилди, бахтли оилалар сафи кенгаймоқда.

Бюронинг Гулистон тумани бўлимида фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2016 йил 3 мартдаги Ғ.Султоновдан М.Султоновага икки фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларидан алимент ундириш тўғрисидаги ижро иши мавжуд эди. Бюро ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан тарафларнинг ихтиёрий ярашувига эришилди. Шу тариқа алимент ундируви билан боғлиқ яна 57 та ижро ҳужжати юзасидан ота-оналар яраштирилди.

Шу каби хайрли ишлар натижасида ҳудудий бўлимлардаги алимент ундируви билан боғлиқ 201 та ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан яқунланди.

**Бехзод АБДУРАХИМОВ,**  
МИБ Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

# ҚҚС БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО БОР!

Тахририятимизга солиқ идорасидан кўнғироқ бўлди. Солиқ ходими ўтган ой бўйича тахририят ишлаб чиқарган маҳсулотни учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаши кераклигини айтди.

Биз жорий йилда тахририят ҚҚСни тўласа, йил охирига бориб моддий томондан кийналиб қолишни тушунтирдик. Солиқ хизмати ходими эса ҚҚСнинг бизга умуман оғирлиги тушмаслиги, чунки қўшилган қиймат солиғи истеъмолчидан олинганини қисқача тушунтирди ва бу билан бизни тинчлантирган бўлди. «Яшанг» деб юбордик ва гапини яна бир бор тасдиқлаб олиш учун «чинданми?» деб сўрадик, у ҳеч иккиланмай «албатта» деди. Ҳақиқатан ҳам қонунда шундай, қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқ ҳисобланиб, унинг ҳақиқий юки маҳсулотни ишлаб чиқарувчига эмас, балки шу маҳсулотнинг охириги истеъмолчисига тўғри келади, чунки бу солиқ маҳсулот кийиматига киритилиб, харидор томонидан тўлаб берилди.

Шундай экан, унда жорий йилда тахририят билан ҚҚС ўртасидаги муаммо нимада?..

Айнан шу муаммо ҳақида газетамизнинг 2020 йил 12 март сониди ҳам «ҚҚС босма нашрлар фаолиятига қандай таъ-

лама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно) учун имтиёз бор эди. Шунга асосан тахририятлар обуначидан, яъни истеъмолчидан 2020 йил учун ҚҚСни ундирмаган ҳолда обуна қилган.

Хабарингиз бор, янги тахрирдаги Солиқ кодекси 2020 йил 1 январдан амал қила бошлади. Хусусан, 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибидида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Янги Солиқ кодексидида эса юқорида келтирилган ҚҚС бўйича имтиёзлар ва ставкалар 2020 йил 1 апрелдан бекор қилинди. Бу билан апрель ойидан бошлаб йиллик пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган даврий босма нашрлар ҳам ҚҚС тўлаши белгиланди.

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Бу йил йиллик пул айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган тахририятлар энди ҚҚСни истеъмолчининг ҳисобидан эмас, ўз ҳисобидан тўлайдими?

Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, тахририятлар асосан обунадан кун кўради. Ижтимоий-сиёсий газеталар деярли сотувга чиқарилмайди. Бу йил

## Бу йил тахририятлар ҚҚСни истеъмолчининг ҳисобидан эмас, ўз ҳисобидан тўлайдими?

сир қилади?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда ҚҚСнинг босма маҳсулотларга иқтисодий таъсири ҳақида фикр юритилган эди.

Ҳаммага маълумки, тахририятлар келгуси йил учун обунани бир йил аввал, сентябрдан декабргача бўлган вақт оралиғида ташкиллаштирилади. Шунга асосан 2020 йил учун обуна асосан 2019 йилнинг охириги ойларидида уюштирилган. Бу даврда эса эски тахрирдаги Солиқ кодексидида оммавий ахборот воситаларининг даврий босма нашрлари (рек-

учун уюштирилган обуна мавсумида эса тахририятлар газетанинг таннархини йиллик харажатларидан келиб чиқиб белгиланган ҳолда истеъмолчидан ҚҚСни ундирмаган. Ўйлаб кўринг, гишт қолипдан кўчиб бўлган, поезд эса аллақачон жўнаб, бир неча бекатдан ўтиб кетган. Афсуски, ушбу тўловни ундиришнинг иложи ҳам йўқ.

Айни вақтда моддий қийинчиликларни бошдан кечириётган ижтимоий-сиёсий газеталарнинг ҳолатидан хабардор бўлган ҳукумат мазкур соҳага



жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сайтига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган. Лойиҳадан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ўз нашрлари тахририятларини балансидидаги биноларга ижара тўловсиз жойлаштириш, эҳтиёж бўлганда ходимларнинг маошларини бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қоплаш, соф фойдани тахририят ҳисобидида қолдириш каби бир қатор муҳим масалалар ўрин олган. Эътибор берган бўлсангиз, ҳукумат қарори лойиҳасидан ўрин олган масалалар асосан босма нашрларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Аммо янги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда на Молия вазирлиги, на Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари, қолаверса, халқ вакиллик органи бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам бу ҳолатга эътибор беришмагани боис

айни вақтда босма нашрлар мазкур ҳолатга дуч келмоқда.

Ҳукумат эса уларга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Бу ўз-ўзидан икки ўртада тушунмовчиликка сабаб бўлмаётми?.. Мантиқан олиб қараганимизда, бир томоннинг эътиборсизлиги ордидан вужудга келган муаммога иккинчи томон ечим топишга ҳаракат қилаётти.

Мамлакатимизда чоп этилаётган турли йўналишдаги газета ва журналлар эгасиз эмас, яъни ҳар бирининг ўз муассиси бор. Суд, маҳаллий ҳокимлик органлари, турли вазирлик ва қўмиталар, сиёсий партиялар уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар муассислигидаги газета-журналлар узок йиллардан бери нашр этилади. Уларда муассиснинг тарихи келажак авлодларга мерос бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, босма нашрларни қийнаётган ҚҚС муаммосига ечим топиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу йил шу муаммо ҳал этилса, келаси йил обунаси ҚҚСни қўшган ҳолда уюштирилар эди.

**Камолитдин АСҚАРОВ,**  
«Нидо»

## ЎЙЛАНТИРАДИГАН МАСАЛА

Кейинги йилларда аҳолининг аксарият қисми интернет билан дўстлашди ва турли ижтимоий тармоқлардан саёз, айрим ҳолатларда ёлғон хабарларни ўқиб, янгиликка бўлган эҳтиёжини қондиришни одат қилди. Натижада одамларнинг газета ва журналларга эҳтиёжи сусайди. Аслида бунинг ўзи алоҳида бир мавзу. Аммо тўхталмоқчи бўлганим бошқа масала.

Ижтимоий-сиёсий газеталарнинг иқтисодий аҳоли асосан обунага боғлиқ. Обуна мавсуми эса аввалгидек эмас. Шунинг учун республикамиздаги аксарият босма нашрлар иқтисодий томондан оғир аҳволга тушиб қолди. Ҳатто қатор нашрлар мана шу муаммо туфайли ўз фаолиятини тўхтатди. Обуна масаласи эса ОАВнинг бош мавзуларидан бирига айланган.

2020 йилнинг 1 январь кунидан янги тахрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Унга киритилган янгиликлар

қатори қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаш ҳам жорий этилди. Аввалдан айтишимиз мумкинки, жорий этилган солиқ тури айни вақтда моддий томондан қийналаётган газета ва журнал тахририятларига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки ўзимизнинг фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тахририятимиз газетига қилинган обуна учун обуначиларга қўшимча нарх қўйиши мумкин эмас. Бинобарин, кучга кирган кодексда бюджетга тўланиши лозим бўлган

ҚҚС истеъмолчилардан ундирилиши кўрсатилган. Бу ҳолат бошқа соҳаларга таъсир қилмаслиги мумкин, аммо газета тахририяти учун бироз қийинчилик туғдириши аниқ. Сабаби, газетанинг асосий мақсади обуна нархини ошириш орқали даромад қилиш эмас, балки аҳолини дунёда рўй бераётган ҳодисалардан бохабар қилиш билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишдан иборат. Шунинг учун ҳам ҚҚСни обуна баҳосига (истеъмолчига юқлаб) қўшиб газета нархини ошириш, ўйлаيمизки, адолатдан бўлмаса керак. Шу боис ҳам масаланинг бу томонини яна бир бор ўйлаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,**  
«Ғарезсизлик ҳам нызам» («Истиклол ва қонун») газетаси бош муҳаррири

# Бирни кўриб фикр қил

Қачондир дунё бўйлаб тақиқлар бутунлай тугаб ҳаёт ўз изига тушади (шу кунлар тезроқ келсин). Майли, бир ой эмас, кўпроқ вақт кетсин. Аммо қачондир албатта бу вабосифат касалликни енгиб чиқамиз.

**Б**ирни кўриб шукур қил, бирни кўриб фикр қил деган доно гап бор. Карантин шароитидаги ҳаётимизни кузатиб айрим фикрларни баён қилмоқчи бўлдим.

Бугунги камтарона, эҳтиёткорона, озодагина ҳаётимизни олдингисига таққосласак анча ҳаддимиздан ошиб кетганимиз аён бўлади.

Эрталаб туриб шоша-пиша нонушта қилиб, катталар ишга, болалар мактабга шошилиши ҳам катта бахт экан. Қўчадаги автобуслар тиқилинчилиги, машиналар тирбандлиги ҳам яхши экан. Ресторан, кафе, ошхоналарда жой етишмасди. Уйда ҳам ширин-ширин овқатлар пиширилган экан.

Тўйларимизни эслаб кўрайлик. Ҳукумат йиллар давомида курашиб тўй-ҳашамларимизни, орзу-хавасларимизни енголмаётганди. Наҳорги ошга мингта одам келиши оддий ҳол эди! Кечки базмларга ҳашаматли ресторанда 500-800 та жой ҳозирлаган тўй соҳиблари жой етармикан деб кўриб туришарди. Тўйхоналар дастурхонга уч-тўрт кават ноз-неъмат жойлаштириб, бир одам нарҳини 150 минг-200 минг сўмга чиқаришганди. Албатта, ноз-неъматнинг 30 фоизини ҳам тановул қилишнинг иложи йўқ. Демак, кесилган, тўғралган бу маҳсулотлар исроф бўлар эди!

Одамлар умрининг катта қисми тўйда ўтаётган экан. Бир кунда уч-тўртталаб тўйга таклифнома келарди. Одамгарчилик, бор-маса бўлмайди. Наҳорги ошга бормаган кунимиз кам эди. Яна айрим пайтлар бир кундаги тўйлар бошқа-бошқа туманларда, ҳатто вилоятларда бўлиб қоларди. Айнисса, ёз ва кузда тўйдан ортган вақтимиз ишлардик. Буёқда туғилган кунлар, юбилейлар, гап-гаштаклар, қирқ кун давом этадиган таъзия-маъракалар...

Ўша тўйларда 40-50 киши билан қўл олиб кўришилларди, айримлари билан кучоқлашиб омонлашардик. Айнисса, аёллар бир-бири билан ўпишиб тўймасди. Узоқдан туриб қўлни кўксига қўйиб кўришиш ҳам мумкин экан.

Бир йили Қорақалпоғистондан мехмонга келган дўстим билан кишлоққа тўйга бордик. Тўйхонага кираверишда қатор турган мезбонлар билан бирма-бир қўл олиб кўришиб тўйга кирдик. Бир стога дўстлар йиғилиб қолган эканми, айримлар билан қўшқўллаб, айримлар билан кучоқлашиб кўришдик. Павлов сузилди. Ошга иштаха билан қўл узатдик. Ошни, айнисса тўй ошини қўлда ейишга нима етсин! Эътибор қилсам, мехмон ошга ҳам, дастурхонга ҳам қўл урмади. Бир-икки марта мулозат қилдим...

Ташқари чиққанмиздан кейин сўрадим:

– Нега ҳеч нарса емадингиз?

– Шунча одам билан кўришгандан кейин қандай бирор нарса ейман? Қайси бирининг қўли тозаланибга кафолат берасиз? Шунча одамнинг қўлидан олган иллатларни ичимга солайми? Бунинг устига ичкарида қўл ювмадик, ҳатто ош ейишга қошиқ ҳам қўйилмаган...

– Ҳа энди кишлоқнинг тўйи-да... – дедим нима дейишни билмай.

Ҳозир айна баҳор. Шу кунларда ҳамма тоғларга, дала-даштарга отланарди. Оилалар, дўстлар гуруҳлари, синфдошлар, курсдошлар, ишхона, гаштакчилар... Гуруҳ-гуруҳ бўлиб бориладиган бу сайру саёҳатларнинг мазмун-моҳияти ўзгариб кетди. Илгари лола сайлига чиққанлар баланд тоғларга чиқишарди, табиатдан баҳра олишарди. Ҳозиргилар эса машабабозликдан бошқа нарса эмас. Кўпроқ ейиш, кўпроқ ичкиликбозлик қилиш... Натигада табиатнинг сўлим гўшалари бўш шиша, баклашка ва бошқа чиқиндиларга тўлиб кетарди. Ўтлар пайхон бўларди, арчалар шохи синарди, сувлар ифлосланарди. Бу йил табиат ҳам дам олапти. Шаҳар ҳам дам олапти. Инсоният ҳам дам олапти.

Карантиндан анча ўзгариб чиқамиз. Эҳтиёткор, эътиборли, озордор бўламиз. Ҳаётни, яқинларимизни кўпроқ қадрлайдиган бўламиз.

Карантиннинг фойдаларини яна узоқ гапириш мумкин. Чунки у ҳаммамизга таъсир қилмоқда.

Садриддин НАБИЕВ,  
журналист



## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

### ЁЛҒОН АХБОРОТ ТАРҚАТИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган хабар ёки мурожаатларнинг қайси чин, қайси ёлғонлигини билиб бўлмай қолди. Кимнингдир ҳазили орқали халқ эътиборига тақдим этилаётган мурожаатлар шу даражада кўпайиб кетдики, санаб охирига етолмайсан киши.

**М**едиамаконда ишончли ахборотга эҳтиёж ортиган бир вақтда тарқалаётган асоссиз хабарлар одамларни чалғитибгина қолмай, ғазаблантирапти ҳам. Асосланмаган, нотўғри хабарни тарқатиш сўз эркинлигимиз? Сўз эркинлиги асоссиз мурожаатларни ижтимоий тармоқда эълон қилиб, фуқароларни раҳбарларга қарши қайраш дегани эмас ахир. Тўғри, ҳар биримиз жамиятдаги муаммоларни бартараф этиш учун ҳаракат қиламиз. Аммо ижтимоий тармоқлар орқали кимўзарга шов-шувли хабар эълон қилиш, ўзаро келишмовчилик ёки икки кишининг бир-бирига бўлган адоватини дастак қилиш бизнинг халқимизга хос фазилат эмас.

Узоққа бормайлик, яқинда ижтимоий тармоқда Шўрчи туманининг Оққамар маҳалласида яшовчи бир неча фуқаронинг (А.Холиқов, Р.Қўчаров, А.Ҳақимов, Н.Тошбоев, Т.Каримов, Ж.Боймуродов, Ш.Давлатов, А.Соатов) «Маҳалла» раиси урни тарқатишда таниш-билишчилик қилмоқда» деган мазмундаги видеомурожаати кишининг ҳайратини оширди.

Коронавирус пандемияси шароитида унинг нархи суъий равишда ошиб кетишининг олди олиниб, тизимли равишда туманидаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи фуқаролар учун тадбиркорлар 1 килограмм урни 2700 сўмдан, бир қопини эса 135 минг сўмдан етказиб бераётган бир вақтда эълон қилинган бу хабар тегишли ташкилот ходимлари томонидан зудлик билан ўрганилди.

Аниқланишча, ушбу мурожаатга фуқаролардан бирининг маҳалла раиси билан келишмовчилиги сабаб бўлган. Ваҳоланки, ун олмадик дея бонг урган бошқа фуқаролар маҳаллага олиб борилган ундан икки марта олишган.

Наҳотки ўз манфаатимиз учун ёлғон гапирсак? 8 май куни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган яна бир видеоматериалда ҳокимият биносига озиқ-овқат сўраб келган фуқаролар тасвирланган. Уларнинг бири ногиронлиги ва ёрдам олмагани учун озиқ-овқат беришларини сўраган. Видеони кўриб, аввалгина шундай вақтда имконияти чекланган фуқароларга ёрдам берилмаётганидан ғазабландим. Ушбу мурожаатни ўрганиб чиққанмида эса мурожаатчиларнинг бири янги қурилган уйда истиқомат қилишини, карантин вақтида унга туман ҳокимлиги томонидан уч марта озиқ-овқат етказиб берилганини аниқла-

дим. Мурожаатчиларнинг яна бирига худуддаги масжид имомни томонидан беш турдаги озиқ-овқат ва моддий ёрдам берилган. Шунингдек 11 апрель куни «Саховат ва қўмақ» умумхалқ ҳаракати хайрияларини мувофиқлаштириш маркази томонидан ҳам озиқ-овқатлар тақдим этилган.

Ижтимоий химояга муҳтожлиги сабабли 2020 йилнинг апрель ойидан олти ой муддатга 326 минг сўмдан моддий ёрдам тайинланган. Шу билан бирга у ишга жойлаштириб қўйилган.

Видеомурожаат қилган фуқароларнинг айтишича, бир блогер интернет орқали мурожаат қилинса, ҳамма уларга эътибор қилишини, янада кўпроқ озиқ-овқат олиши мумкинлигини айтган. Блогернинг сўзларига ишонган бу фуқаролар эса ёлғон гапларни айтиб мурожаат қилишган.

Ўзини халқ дарди билан яшаётгандек тутаётган баъзи блогерлар керак-но керак жойларга бош суқавермасдан одамларни қийнаётган объектив муаммоларни кўтариб чиқиб, уларга ечим топишса, ўз вазифаларини адо этган бўлишди. Қолаверса, бу жараёнда фуқаронинг мурожаати тўғри ёки нотўғрилигини ҳам текшириб, ҳолатга ҳолис ёндашиш кераклигини ҳам унутмасликлари лозим.

Бундан ташқари, саводхонлик масаласи ҳам киши дилини хира қлади. Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, фойдаланувчилар ўзаро ёзишмаларда «с!» «о!» ёки «sh» ҳарфлари ўрнига «4», «6» ёки «w» каби белгилардан «унумли» фойдаланишга одатланиб қолишган.

Халқимизда «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйнаб гапир» деган нақл борки, бу сўзга нисбатан хурмат-эътиборни ифодалайди. Шундай экан, ёзаётган сўзимизни, айтётган гапимизни тўғри ифодалаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, нотўғри ёзишмаларимизни кўриб, асоссиз сўзларимизни эшитиб, келажак авлод биздан «Ибрат» олмаслиги учун бугундан тўғри ёзиш ва гапиришни ўрганайлик.

Негадир айрим блогерлар юртимиздаги ислохотлар, бўлаётган ўзгаришларни ёритишдан кўра ёлғон, асосланмаган, халқ орасида шов-шув бўладиган маълумотларни чиқаришга борган сари муқассидан кетишмоқда. Тўғри, танқид келажак меваси, аммо у ҳолисликни талаб қилади. Муаммони бир томонлама ёритиш тўғри эмас.

Нигина ШОЕВА,  
журналист

# СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК УСТУВОР

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёт ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан биридир. Шу боис ҳам уни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш чораларини кўриш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган эди. Президентимизнинг Олий Мажлисида Мурожаатномасида ҳам барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича аниқ йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Соҳа мутахассислари маълумотларига кўра, 2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу кўрсаткичларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта резерв ва имкониятлар мавжуд.

Жорий йил 18 майда Президентимиз томонидан имзоланган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам ана шу амалий ишларга ҳамоҳанглик билан аҳамият элтибди.

Аслида бугун инсон саломатлиги билан боғлиқ масалаларга дунё миқёсида

катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга. Зеро, кимёвий воситалардан ва гени модификацияланган организмлардан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, етиштирилган маҳсулотлар органик маҳсулотлар эканини эътиборга олсак, бу инсон организми учун жуда муҳим эканини теран англаймиз.

Экспертларнинг баҳолашича, дунё органик маҳсулотлар бозорига сўнгги беш йил давомида йилига ўртача 15 фоизлик ўсish кузатишмоқда. Шу йил якунига кўра, савдо айланмаси 212 миллиард АҚШ долларини ёки жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизини ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича халқаро федерациянинг 2019 йилги нашрида эса Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олган. Президентимизнинг мазкур фармони эса мамлакатимизда мавжуд ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш нуктаи назаридан жуда долзарб, десак асло муболаға

бўлмайд. Мазкур фармон “Organic” ва “Global G.A.P.” халқаро талабларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини ошириш ҳамда экспортни кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шуни қайд этиш жоизки, фармон билан Ўзбекистон Республикаси органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Режага кўра, 2025 йилгача Ўзбекистонда пахта хомашёси, дон, дук-какли ва мойли экинлар етиштиришда 5 фоиз, боғдорчиликда 10 фоиз, узумчиликда 15 фоиз, сабзавот ва полизчиликда 3 фоиз ҳамда ўрмон фонди ерларидаги экин майдонларида 8 фоиз, писта-бодомзорларда 15 фоиз, гўшт етиштиришда 5 фоиз, сўт етиштиришда 8 фоиз ва курка гўшти етиштиришда 25 фоиз органик қишлоқ хўжалигига ўтиш кўзда тутилмоқда. Шунга мувофиқ, фармон билан 2020 – 2030 йилларда босқичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишнинг прогноз кўрсаткичлари, органик пахта хомашёси етиштириш, органик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳамда худудларда агроэкотуризмни ривожлантириш учун органик бозорлар ва ресторандар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Фармонга асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи этиб

белгиланди ҳамда бу йўналишда бир қатор қўшимча ҳуқуқлар берилди. Шунингдек, органик қишлоқ хўжалигига ўтказилган ер участкаларида экинларни жойлаштириш илмий асосланган алмашлаб экиш схемаларига мувофиқ амалга оширилиши ва жараёнга давлат аралашувига йўл кўйилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Албатта, ҳар бир соҳа мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлгандагина барқарор ривожланади. Фармонга биноан, “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳамда Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқиши белгилангани эътиборга молик.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш орқали яқин истиқболда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини 20 ҳамда сотиш нархларини 15 фоиз оширишга, органик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар соф фойдаси эса 4 баробар ўсишига эришилади. Бундан кўринадики, органик маҳсулотлар жаҳон бозорининг келажагини белгилайди. Зотан, мавжуд талабни тез илган ва вазиятга мослаша олган маҳсулот етиштирувчигина рақобат майдонида ўз ўрнига эга бўлади.

**Маҳмуд Тўраев,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

## FAOLIYAT

### БИРИНЧИ ҚЎЛ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Аҳолини арзон озиқ-овқат билан таъминлаш, бозорларда нарх-наво сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Вилоят аҳолисининг 55 962 гектар томоркасида сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштирилади. Биргина Косон туманидаги Эсабой қишлоғи аҳолиси 192 гектар ерда томоркачилик билан шугулланиб, вилоятимиз деҳқон бозорларини бир кунда 100 тоннадан ортиқ сабзавот билан таъминлайпти.

Шунингдек, Яқкабўғ туманидаги «Кумуш куз файзи» ва «Оқтош келажаги» МЧЖда бугунги кунда 350 мингдан ортиқ парранда боқилиб, бир кунда 175000 дона тухум ва 1,7 тонна гўшт етиштириб берилмоқда.

Маҳсулотларни биринчи қўл тамойили асосида улгуржи нархларда вилоят аҳолисига ҳамда қўшни вилоятларга етказиб бериш мақсадида департамент органлари томонидан онлайн ахборот алмашиш тизими ташкил этилиб, маҳсулотлар тўғридан-тўғри деҳқон бозорларига етказилмоқда. Жумладан, бошқармамизнинг кўмаги билан айни кунга қадар Тошкент шаҳрига, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига 20 тонна гўшт, 47 тонна сабзи, 30 тонна помидор ва бодринг, 301 минг дона тухум жўнатилди.

Бу жараёнда вилоятнинг чиқиб постларида яшил йўлакларнинг ташкил этилгани маҳсулот етиштирувчи тадбиркор ва томоркачилар учун қулайлик туғдирмоқда.

**Тўлқин ҚУРБОНОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



## JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

### ОЧКЎЗЛИК

Сафар (исмлар ўзгартирилган) икки йилдан бери Самарқанд тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси мудир.

Фарход шу марказда ижтимоий нафақаларни маърузи мониторинг қилиш шўъбаси мудир – бир вақтнинг ўзига бош ҳисобчиси ҳам.

Бу икки кимсанинг қарашлари, ўй-хаёллари ўхшаш чиқиб қолди. Марказга иш сўраб мурожаат қилганларни жамоат ишига жалб қилишмади.

2018 йил октябрь ойидан 2019 йил ноябрь ойига қадар жамғармадан тумандаги «Agro servis texnik savdo» МЧЖ ҳисобрақамига 25 млн. 905 минг 750 сўм ва «Nizomjon stroy sifab» МЧЖ ҳисобрақамига 32 млн. 866 минг 850 сўм маблағ ўтказиб, давлатнинг пулини ўзлаштириб юборди.

Шунингдек, Сафар жамғармадан ажратилган маблағлар ўзлаштирилганини яшириш мақсадида «Agro servis texnik savdo» МЧЖ ва «Nizomjon stroy sifab» МЧЖ билан марказ ўртасида расмийлаштирилган шартнома, буюртма ва бошқа ҳужжатларни йўқ қилди.

Ўтказилган текширишда бу кимсаларнинг қилмишлари ошкор бўлди. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш

маркази мансабдорлари ва инспекторларининг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши ҳамда жамғарма маблағининг тўғри сарфланишини назорат қилмагани натижасида жами 58 млн. 772 минг 600 сўм бюджет маблағи талон-торож қилинган. Ҳозирги кунда етказилган зарар ундирилди.

Суд ҳукми билан Сафар ҳамда Фарход 1 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Кўпчилик мумкин иш жойи йўқлигидан оиласини боқиб учун яқинларидан йироққа, чет элларга ишга кетишга мажбур бўлади. Уларни иш билан таъминлашни керак бўлган айрим кимсалар эса ўз нафсидан бошқасини ўйламайди.

**Темур ҚОДИРОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратурининг катта ёрдамчиси

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги хизматлар учун бериладиган «SALOMATLIK» ордени таъсис этилди.



Улуғбек ҚОСИМОВ,  
Фаргона вилояти прокурори

# КУЗГИ ХИРМОН БАРАКАСИ БУГУНГИ МЕҲНАТГА БОҒЛИҚ

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ердан самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг иқлими, тупроқ унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда экин экиш йўлга қўйилмоқда. Пилла етиштиришни кўпайтириш учун тутзорлар барпо этилаёпти. Хомашё етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача ихтисослашган кластерлар ташкил этилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар натижасида аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ қондирилиб, нарх-наво барқарорлиги таъминланаёпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги «Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш борасида Фаргона вилояти прокуратураси органлари томонидан тизимли назорат йўлга қўйилган.

Ўтган давр мобайнида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 3219 та прокурор назорати хужжати қўлланиб, 261 та ноқонуний қарор протест асосида бекор қилинди ёхуд қонунга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилишнинг сабабларини бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 98 та тақдимнома киритилди, 369 нафар мансабдор қонун бузилишига йўл қўймастик хусусида расман огоҳлантирилиб, айбдорларнинг 164 таси интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 38 та жиноят иши кўзгатилиб, 1371 та ҳолатда 1184,6 гектар ер туман захирасига қайтарилди. 323 та ноқонуний қурилиш буздирилиб, 2620 та ҳолатда ноқонуний эгаланган 344 гектар ерни қайтариш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди. Ҳокимликларнинг захирасида турган 279,2 гектар ер тарқатилиши таъминланди.

2020 йилда 2193 та фермер хўжалиги 82080 гектар ерда пахта етиштириди. Чигит экилиши ва ўза парварчилигини назорат қилиш учун мутахассислардан иборат урта мониторинг гуруҳи тузилган. Мониторинг давомида 408 гектар ер чигит экишга тайёрланмагани, 204 гектар ерга сифатсиз, 4432 гектар майдонга ўғит солинмасдан чигит экилгани, 129 гектар ер ҳисоботларга қўшиб ёзилгани, пахта етиштириш режалаштирилган 91 гектар ерга бошқа экинлар экилгани аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2020 йилда ўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ижроси таҳлил қилинганида 9 та пахтачилик кластери фермер хўжалиklarининг махсус ҳисобрақамига ўтказган 655 млн. 682 минг сўм пул пахта етиштириш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар учун

сарфлаб юборилгани аён бўлди.

Шунингдек, «Агробанк»нинг 5 та филиалида 676 ҳолатда 623 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит бошқа харажатлар учун сарфланишининг олди олинди.

Омборларда 630 тоннадан зиёд, 610 млн. 472 минг сўмлик пахта талон-торож қилингани аниқланиб, «Кува пахта тозалаш заводи» АЖнинг «1-Кува» пахта пункти мансабдорларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб.

Чигитни минерал ўғит билан бирга экиш белгиланган. «Агрокимёхимия» АЖ тақдим этган маълумотлар таҳлил қилинганида Бешарик, Ўзбекистон, Данғара туманларидаги 175 та фермер хўжалигига 5853 гектар майдонга чигит экиш учун фосфорли ўғитлар берилмагани маълум бўлди. АЖ туман филиалларининг раҳбарлари ва туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошқилари интизомий жавобгарликка тортилиб, ушбу майдонларга ўғит солиниши таъминланди.

Қонунбузилишларни бартараф этиш билан бирга вилоят прокуратураси органлари фермер хўжалиklари ва пахтачилик кластерларининг муаммоларини ҳал этишга ҳам ёрдам бермоқда. Бу йил прокуратура аралашуви билан кластерларнинг пахта тозалаш корхоналари қошидаги 32 та биологаторияси фаолияти қайта тикланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, 32 та фермер хўжалигига 67 тонна минерал ўғит, 266 килограмм чигит етказиб берилиши, 33 гектар ер, 5 млрд. 253 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Бу йил вилоятимиздаги 2422 та фермер хўжалиги 104 700 гектар ерда 621 минг 674 тонна ғалла етиштириши белгиланган. Шунингдек, 32 та фермер хўжалиги, Сўх туманидаги 2 та ширкат 241 млн. 774 минг сўм имтиёзли кредитни ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда ишлатган. Ҳозир ушбу

маблағ ғаллачиликка йўналтирилиб, ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилмоқда.

Ҳозир, сўнгги бошқоқлаш даврида Фаргона, Риштон, Ўзбекистон, Учкўприк, Бағдол туманлари, Куvasой шаҳридаги фермер хўжалиklarининг 3390 гектар ерида экинлар чанқаб қолгани, шунингдек, 39 та фермер хўжалигидаги 261 гектар майдон маҳаллий ўғитсиз сугорилаётгани маълум бўлди. Прокуратура аралашуви билан ушбу ғаллазорлар тўлиқ сугорилиши таъминланди.

Текширишларда «Агрокимёхимия» АЖ Куvasой шаҳар филиали марказий омбори мудирини 483 млн. 384 минг сўмлик 8 хил минерал ўғит ва бошқа маҳсулотларни талон-торож қилгани аниқланиб жиноят иши кўзгатирилган.

Мониторинг давомида 102 та фермер хўжалигининг 2956 гектар ғаллазорини озиклантирилгани ҳисоботларга қўшиб ёзилгани аниқланиб, «Фаргона агрокимёхимия» АЖга тақдимнома киритилди. 12 та туман ва шаҳар филиали-

қайтариллиши таъминланди.

Пиллачилик соҳасида ҳам қонунбузилишига йўл қўйиб келинаётгани аён бўлмоқда. Хусусан, айрим фуқаролар ва фермер хўжалиklари тутзорлар ичида ноқонуний иморат қуриб олишган бўлса, айрим ҳолларда тутзорлар умуман буздириб юборилган, туман ҳокимликлари қарори асосида бириктирилган ерлар ханузгача «Агропилла» МЧЖларга ажратиб берилмасдан пайсалга солиб келинган. Бу борада қонунбузилишини бартараф этиш ҳақида 5 та тақдимнома киритилди. 17 киши расман огоҳлантирилди. Пиллазорларга 317 қути инак курти тарқатилиб, тутзорлар ташкил этишига ёрдам берилди.

Ҳуқуматнинг «Дехқон хўжалиklари ва аҳоли томоркалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мониторинг гуруҳлари ташкил этилди. Улар барча хонадонларнинг томорка-



нинг раҳбарлари интизомий жавобгарликка тортилди ҳамда ушбу ерлар тўлиқ озиклантирилиши таъминланди.

Вилоятдаги 453 та чорвачилик фермер хўжалигида 155 700 талон зиёд қорамол, қўй, от ва туя, 73 125 та парранда боқилмоқда.

Фермер хўжалиklарига ҳар бир мол учун сугориладиган ерлардан қамида 0,3 гектардан (насли молга 0,5 гектар) ажратиб берилиши белгиланган. Ҳокимликлар ушбу талабга амал қилмаган. 163 та фермер хўжалигига эҳтиёжга нисбатан 3611 гектар кам ер ажратилгани ҳолда 248 та фермер хўжалиги 3683 гектар ортиқча ердан фойдаланиб келган. Ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига 12 та тақдимнома киритилди, туман ҳокимларининг қарорлари билан 915 гектар ортиқча ер захирага

лари, дехқон хўжалиklarининг 448,6 гектар экинзорлари, боғдорчилик хўжалиklarининг 28 503 гектар боғ қатор ораларини ҳатловдан ўтказди. Ҳатловда 2946 та хонадоннинг 187 гектар томоркасига, 175 та дехқон хўжалигининг 57 гектар, 1377 та боғдорчилик хўжалигининг 10 643 гектар боғ қатор ораларига экинлар экилмагани аниқланди. Вилоят прокуратураси аралашуви билан 187 гектар томорқа, дехқон хўжалиklarининг 57 гектар ери ҳамда 5417 гектар боғ қатор ораларига баҳорги экинлар экилди.

Қишлоқ хўжалигида қонун талабларига риоя этилиши таъминланиб, муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Боғбон ва дехқонларимизга қўмақдош бўлиб, коронавирус пандемияси туфайли юзага келган қийинчиликларни биргаликда енгамиз.

1 июнь – Халқаро болаларни  
ҳимоя қилиш куни



**Эртанги кундан  
умидвор  
инсон борки,  
фарзандини  
одобли, баркамол  
қилиб тарбиялаш  
орзусида бўлади.  
Чунки жамият  
ва миллат  
олдида бундан  
да масъулиятли  
вазифа бўлиши  
мумкин эмас.**

# БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!

Болажонлик – азал-азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадрият. «Дунёда бўлам деб яшайди ўзбек», – деб ёзган эди улуг шоиримиз Муҳаммад Юсуф. Дарҳақиқат, халқимиз болаларининг соғ-омон бўлиши, илм олиши, хунар ўрганиши, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлиб етишиши учун борини аямайди...

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОНСТИТУЦИЯ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) жаҳон мамлакатлари ўртасида бола ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича мустаҳкам алоқа ва ҳамкорлик ўрнатилганда муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция мавжуд. Мазкур конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-резолюциясига мувофиқ 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Уни жаҳондаги деярли барча мамлакатлар ратификация қилган. Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. 15-моддани иборат ушбу халқаро ҳужжат қай бир давлат томонидан ратификация қилинган бўлса, унинг зиммасига бола ҳуқуқларига риоя этишга доир мажбуриятларни юклайди. БМТнинг Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Конвенциянинг муқаддимасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставига эълон қилинган принципларга мувофиқ жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган кадр-қиммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари эътироф этилиши эркинлик, асосат ва тинчликни таъминлашнинг адолат...» деб белгиланган. Демак, мазкур конвенция дунё халқларининг бола ҳуқуқлари бўйича конституцияси дейиш мумкин.

## ҒАМҲЎРЛИКДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШГА ҲАҚЛИ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 2-моддасида «Иштиракчи давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар бир бола учун ушбу конвенцияда назарда

тутилган барча ҳуқуқларни ҳеч қандай камситиларсиз, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ахволи, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийлари ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қиладилар ҳамда таъминлайдилар» деб кўрсатилган. Албатта, бу норма бутун жаҳонда болаларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, бу халқаро ҳужжат ҳар бир бола яшаш учун қонуний ҳуқуққа эгаллигини эътироф этади. Боланинг соғлом ўсиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб берилиши, бола тутилган захоти рўйхатга олиниши ва тутилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ҳамда фуқароликка эга бўлиш, илжои борича ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлишга ҳақли эканлигини назарда тутди.

## УРУШЛАР ЖАБРИНИ ЭНГ АВАЛ НОРАСИДАЛАР ТОРТАДИ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг талаблари барча давлатлар

да ҳам бирдай бажарилмаяпти. Кўплаб мамлакатларда содир бўлаётган урушлар, вайронгарчиликлар, хунрезликлар, одам савдоси, гиёҳвандлик, қашшоқлик, очарчилик, хасталик сингари болалар жабрини энг аввало норасидалар тортаётгани ҳам ҳеч қимга сир эмас. Бундай жойларда болаларнинг оддий ҳуқуқлари ҳам тинимсиз топталмоқда. Улар таълим олиш, даволаниш у ёқда турсин, ҳатто тўйиб овқатланиш, тинчгина ухлашдан ҳам мусово бўлишаяпти. Наркотик моддалар олди-соғдисида чопарликка мажбурланаяпти, одамфурушлар томонидан кул сифатида сотилаяпти, энг даҳшатлиси, инсон аъзолари савдосининг қурбонига ҳам айланишмоқда.

Башариёт бу даҳшатли воқеалардан сабоқ чиқариши, ўз келажагига ўзи болта урмаслиги керак...

## БЕҒУБОР ОЛАМ ҲИМОЯСИ УЧУН

Мамлакатимизда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда боланинг ҳуқуқига сунқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги белгиланиб, боланинг эр-



килик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланган.

Боланинг ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида гапирарканмиз, қонуннинг 14-моддасида қайд этилган ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда болаларнинг чет элга ўқишга бориши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш зарурияти пайдо бўлгани шуни тақозо этади.

Қонун талабига кўра бола фақат ота-онанинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан чет элга бориши мумкин.

Мамлакатимиздаги барча болалар, айниқса, шароит тақозосига кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тўлақонли ва бахтли яшашини таъминлаш борасида давлатимиз ҳамisha ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-конвенция ва Болалар меҳнатининг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенцияга қўшилган. Бу ҳужжатлардаги асосий ғоялар қонунларимизга ҳам киритилган бўлиб, уларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига оид қонун ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келиши таъминланган.

## УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАР ҲАМИША ТАЪЛИМДАН БОШЛАНГАН

Ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча ва мактабдан бошланганини кўрамыз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ юртимизда биринчи марта Мақтабга таълим вазирлиги ташкил этилди ва қисқа муддатда минглаб мактабгача таълим муассасалари қурилди. Уларда таълим-тарбия ишлари энг илгор усул ва воситаларни қўллаган ҳолда олиб боришмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари яқинда янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунни маъқуллаб, Сенатга тақдим этишди.

Мактабни ўзгартирмасдан туриб одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси – мактаб. Президентимизнинг фармони билан улуг алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исоқхон Ибрагимов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаблари, Темурбеклар мактаби, Президент мактабларининг ташкил этилгани фарзандларимиз учун янги имкониятдир.

Яна бир жиҳат алоҳида эътиборга молик. Карантин қунларида мамлакатимизда мактаб ўқувчилари учун телевидение орқали ташкил этилаётган онлайн дарслар халқаро миқёсда эътирофларга сазовор бўлди, давлатимизнинг болалар камолоти йўлида кўрсатаётган беқисс ғамхўрлиги сифатида баҳоланди.

\*\*\*

Болалик – тасаввуримиздаги энг бахтли ва қувончли дамлар. Бу қалақ умридек қисқа фурсат инсон хотирасида тақдорланмас лаҳзалар бўлиб муҳрланиб қолади. Ана шу бахтиёрлик дунё болаларини ҳеч қачон тарқ этмасин!

**Шерали АШИРОВ,**  
Қашқадарё вилояти прокурорининг  
биринчи ўринбосари

Ёзги таътилни мазмунли ташкил қилиш мақсадида ўқувчилар учун «Online-kasbiy rivojlantirish», «Online-to'garak», «Online-maktab» лойиҳалари амалга оширилади.

28-MAY 2020-Y.  
HUQUQ № 21  
(1218)

7



## FAOLIYATIDAN

# ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ УЧУН

Карантин шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксизлигини таъминлаш кун тартибидаги асосий масалага айланди. Департамент ташаббуси билан интервенция асосида нарх-наво барқарорлигига эришиш ва маҳсулот тақчиллигининг олдини олиш мақсадида онлайн ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб кўшни вилоятларга биринчи қўл тамойили асосида сифатли ва арзон помидор, бодринг, тухум ва товуқ гўшти етказиб берилаяпти. Бу эса харидор учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам фойдалидир. Бухоро вилояти билан боғлиқ фактларга эътиборингизни қаратамиз.

Ромитан туманидаги «Қаҳрамон» МФЙда жойлашган «Агротранс-вест» МЧЖга тегишли иссиқхонада етиштирилган помидорлардан 10 тоннаси ортилган автомашина Тошкент вилоятига юборилди. Худди шундай Бухоро шаҳридаги «Ҳожи Темирбобо» фермер хўжалиги аъзолари етиштирган ҳосилни худуддаги бозор ва дўконлардан ташқари бошқа вилоятларга сотишдан ҳам манфаатдор.

Жондор туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Чинор-чорва» кўп тармоқли фермер хўжалигида ҳар

ой 150 мингта парранда боқилиб, 1,5 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилади ва унинг бир қисми кўшни вилоятларга етказиб берилади. Гиждувон туманидаги «Омад парранда савдо» МЧЖда бир кунда товуқлардан 40 минг дона тухум олинади. Ҳар иккала тадбиркор ҳам эҳтиёжидан ортган маҳсулотини Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Навоий ва Қорақалпоғистонга сотиш учун юборди.

Ушбу жараёнларда вилоятларга маҳсулот етказиш учун йўлга чиққан автомобиллар қарвони чегара постларидан департамент ходимлари назоратида яшил йўлак орқали ўтиши таъминланмоқда. Бу тадбиркорларга қулайлик яратибгина қолмай, озиқ-овқат нархининг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

**Нодир ПЎЛАТОВ,**  
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



## ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан кўчма ярмаркалар ташкил этилиб, деҳқон бозорларида бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи нархларда сотилиши таъминланмоқда.

Ургач тумани Дўстлик маҳалласида жойлашган хусусий корхона асосан товуқ гўшти етиштиришга ихтисослашган. – Корхонамизда бир ойда 12 мингта яқин жўжа боқилади. Бу ерда етиштирилган гўштни маҳаллий бозорларга етказиб бераёмиз. Ҳозир департамент ходимларининг кўмаги билан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари тадбиркорлари билан ҳам шартнома имзоладик. Бу билан фаолиятимиз кенгайиб, даромадимиз кўпаймоқда, – дейди **корхона раҳбари Руслан Рўзметов**.

Бугунги кунда ушбу интерактив тизим орқали республикамизнинг барча ҳудудлари Хоразм вилоятидан эҳтиёжга қараб парранда гўшти, гуруч ва шакар биринчи қўл тамойили асосида етказилиб берилмоқда.

Хусусан, май ойининг 10 кунини давомидан вилоятимиздан Тошкент шаҳрига 10 тонна товуқ гўшти, Наманган, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрига 60 тонна гуруч, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятига 75 тонна шакар етказилиши таъминланди.

Бу жараёнга Хонқа туманидаги фермер хўжаликлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

– Оиламиз билан икки йилдан буён гуруч етиштирамиз. Фермер хўжалигимизга тегишли тегирмонларда иш қизғин. Ҳозир маҳаллий бозорларимиздан ташқари Тошкент шаҳри, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларига ҳам гуруч етказиб бермоқдамиз. Шунингдек, АҚШ, Россия, Хитой, Германияга ҳам экспорт қилаётизим. Карантин даврида бошқа ҳудудларга сифатли ва арзон нархларда лазер гуручини етказиб

беришда департамент органларининг ёрдами катта бўлмоқда, – дейди **фермер Шавкат Султонов**.

Вилоятимизда етиштирилиб, бошқа ҳудудларда сотиш мўлжалланган озиқ-овқатлар ўрганилган талаб асосида, эҳтиёжга қараб тақсимланмоқда. Шунингдек, маҳсулотлар ортилган юк машиналари худудларга кириш ва чиқиш блокпостларидан яшил йўлак механизми асосида ўтказилиб, ишлаб чиқарувчи нархда сотилишига алоҳида эътибор қаратилаёпти.

– Бугунги эпидемиологик шароитда аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқатлар билан таъминлаш энг асосий вазифамиз саналади, – дейди **департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Ғайратжон Султонов**. – Ҳозир Хоразм вилоятига Сурхондарё ва Қашқадарёдан янги чиққан картошка, пиёз «даладан дастурхонга» тамойили асосида олиб келиниб, арзонлаштирилган дўконларда, деҳқон бозорларида сотилиши таъминланмоқда.

Департамент органлари йўлга қўйган ушбу янги тизим фермер хўжаликлари, томорқачилар етиштирган маҳсулотларни нобуд қилмасдан сотишда, деҳқонлар етиштирган маҳсулотни фойдасини кўришига шароит яратишда ҳамда аҳолини арзон нархларда сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Эргаш МАШАРИПОВ,**  
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи



## JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

# ҚАЙДАСАН, ПОРТУГАЛИЯ?

Ғайбулланнинг (исмлар ўзгартирилган) оилавий меҳмонхонаси бор. Бундан ташқари, у уддасидан чиқса-чиқмаса одамларни чет элга ишга юбориш билан ҳам шуғулланади.

Олим билан Карим анча пайтдан бери ишсиз юрганди. Икковлон Ғайбулланнинг одамларни хорижга ишга юбораётганини эшитиб, у билан кўришишга ошиқдилар.

– Португалияга ишга юбораётганингизни, виза тўғрилаб бераётганингизни эшитиб келдик. Бизга ҳам ёрдам қилинг, ишсизмиз, – деди йигитлар.

– Хўп, харажати қўнсангиз Италия орқали Португалиянинг Лиссабон шаҳрига ўзим олиб бориб, ишга жойлаштираман. Визаларингизни расмийлаштириб бераман.

– Харажати қанча бўлади? – деб сўради йигитлар.

– Хужжатларни расмийлаштиришнинг ўзига ҳар бирингизга 3500 АҚШ доллари керак, – деди Ғайбулла.

Йигитлар унинг гапларига ишонди. Ишлари осон битиб, тезроқ хорижга ишга кетишини ўйлаб, Ғайбулла айтган пулни олиб келиб беришди. «Пулни бердик, тез кунда ишимиз битиди» деб ўйлаганди улар. Аммо анча вақт ўтса ҳам натижа бўлавермади.

Орадан икки-уч ойлар ўтгач, Ғайбулла «хужжатлар учун яна харажат қилиш керак» деб Олим билан Каримдан тагин 1500 доллардан олди.

Ғайбулла бу пуллари ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди. Португалия сафари ҳақида сўраётган икки йигитни эса эр-

та-индин деб алдаб юраверди.

Турли бахоналар билан судраб юрган Ғайбулла ваздасини бажармаслигини сезган йигитлар Португалияга кетишдан умидини узди. Пулини сўраб ҳам ололмай юриб, охири ИИБга мурожаат қилишди.

Яна бир ҳолат, Гулшан ҳам хорижга ишлаш ниятида юрганлардан. Бегона юртда иш излагандан кўра ишончли одам орқали тайёр иш бўлса бориш истагида эди.

Ғайбулланнинг хорижга ишга юбориши ҳақидаги гаплар Гулшаннинг ҳам қулоғига етди. Ёлгон орқасидан пул толишга ўрганган Ғайбулла Гулшанга ҳам барча хужжатларни ўзи тўғрилашини, эвазига айтган пулни бериши кераклигини айтиди.

Гулшан пул топишга ҳаракат қилишини айтиб чиқиб кетди. Йўл-йўлакай

«пулимни олиб, алдаб кетса-чи?» деб ўйлади. Миясида чарх урган бу хаёл уни ИИБга бошлади. У ҳолат бўйича билганларини баён қилди.


Шундан сўнг тезкор тадбир режаси тузилди.

Ғайбулла Гулшандан Португалияга ишга жўнатиши учун олдиндан қилинган пулдан 500 долларини олган пайтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Суд бошланганда Олим ва Карим Португалиядан умидини узиб, Россияга ишга кетганди. Ғайбулла уларнинг ҳам пулини қайтаришга мажбур бўлди. Суд ҳукми билан унга жарима жазоси тайинланди.

**Мақсуд БОЙИТОВ,**  
Самарқанд вилояти транспорт прокуратураси терговчиси





**FAOLIYATIDAN**

## «ЗАРАРЛИ» ИССИҚХОНА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг муаммолари бартараф этиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ушбу ислохотларга ҳамоҳанг тарзда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни йил сайин ошиб бормоқда.

Бирок «гурч курмаксиз бўлмади» деганларидек, айрим ҳақиқатларимиз тадбиркорликнинг неқоби остида халқ ризкига кўз олайтириб, ноқонуний даромад олишга уринишяпти.

Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва Пастдаргом тумани бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини ўрганишда айнан шундай ҳолатлар аниқланди.

Жумладан, тумanning Туркман маҳалласида яшовчи Ю.Ю. 26,32 м<sup>2</sup> ерда иссиқхона ташкил қилиб, уни табиий газ билан иситиш учун газ таъминоти корхонасидан рухсат олиш ўрнига маҳалласини газ билан таъминловчи қувурга яширинча уланган. Табиий газдан ноқонуний фойдаланиши натижасида давлатга 81 млн. 183 минг сўмлик зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ўтказилмоқда.

Бахшбойи маҳалласида яшовчи З.А. ҳам қорақоғоз ишлаб чиқариш цехини ташкил этиб, улгуржи истеъмолчи тарихасида таъминотчи корхонадан рухсат олиш ўрнига маҳалла аҳолисини табиий газ билан таъминловчи газ қувурга яширинча улашиб, узок вақт газдан ноқонуний фойдаланиб келган. Оқибатда давлатга 122 млн. 625 минг сўмлик зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиди.

**Дилшод АРИПОВ,**  
МИБ Самарқанд вилояти  
бошқармаси катта инспектори

## ТАДБИРКОР ҲАҚҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Тадбиркорлик ташаббускорлик ва таваккалчилик қилиб, мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонун доирасида фаолият кўрсатиш ва фойда олишдир. Демак, тадбиркор албатта ўзининг ҳуқуқини, қилаётган ишининг қонунга зид эмаслигини билиши лозим. Акс ҳолда жавобгар бўлиб қолади.

Хусусан, Жиззах туманларaro иқтисодий судининг 2019 йил 22 апрелдаги «Жиззах марказий дехқон бозори» АЖдан яқка тартибдаги тадбиркор М.Соатов 610 млн. 288 минг 900 сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Жиззах шаҳар бўлимига 2019 йил 23 октябрда келиб тушган. Шу куннинг ўзида ижро ишини кўзгатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, тарафларга маълумот ва ижро учун юборилган.

Ижро ҳаракатлари давомида «Жиззах марказий дехқон бозори» АЖнинг банкдаги ҳисобрақамларига электрон тарзда инкассо топшириғи қўйилган. Тегишли орган ва ташкилотларга сўров юборилган ва жавоб хатлари олинган. Олинган жавоб хатларига кўра Жиззах шаҳар «Улуғбек» МФЙ ҳудудида қарздорга тегишли «Балик маҳсулотлари» номили савдо мажмуаси борлиги аниқланган ҳамда «E-ijro aukcion» савдо майдончасига сотувга чиқарилган.

Ўтказилган онлайн савдо натижасида ушбу мажмуа сотилган ва тушган пулдан 610 млн. 288 минг 900 сўми тадбиркор М.Соатов ҳисобрақамига ўтказиб берилган.

**Маҳмуд МАҲМУДОВ,**  
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

## НОҲАҚ АЙБ УЧУН МАЪНАВИЙ ЗАРАР

Бюронинг Чилонзор тумани бўлимига 2020 йилнинг 24 февраль куни маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжати келиб тушди.

Маълум бўлишича, фуқаро Ш.Бегматов жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 7 июндаги ҳукмига кўра 7 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Кейинчалик адолат қарор топади ва у оқланади.

Шундан сўнг Ш.Бегматов судга мурожаат қилиб, 2011 йилда ҳеч қандай далил-исботсиз айбдор қилиб, эл-юрт олдида обрўсини тўкиб, бадном қилишганини, айбсиз бўла туриб қамокда ўтирганлигини айтиб, маънавий зарар ундирилиши сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманларaro судининг 2019 йил 12 сентябрдаги қарорига кўра даъвогарга давлат бюджети ҳисобидан 35 млн. сўм маънавий зарар Тошкент молия бош бошқармаси орқали ундирилиши белгиланган.

Мазкур ижро варақаси ижросига киришган МИБ қарздорга қонун талаблари асосида ихтиёрий муддат беради. Бирок қарздор қарзни тўламаган.

Бюронинг Чилонзор тумани бўлими томонидан олиб берилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздор ташкилотдан 35 млн. сўм маънавий зарар 11 май куни тўлиқ ундирилиб, фуқаронинг ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

**Музаффар ОДИЛОВ,**  
МИБ Чилонзор тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

## КАРАНТИН БАҲОНА БЎЛОЛМАЙДИ!

Карантин сабабли халқимиз янада жипслашди, савоб илинжида эҳсон қилувчи ҳамюртларимизнинг эзгу ишлари барчани қувонтирди. Аммо шундай кунларда орамиздаги баъзи инсонлар бегонани эмас, ҳатто ўз пушти камаридан бўлган норасида фарзандини боқишдан бош тартаётгани ачинарлидир.

Мажбурий ижро бюросининг Улуғнор туман бўлимидаги алимент иши бўйича М.Ваҳобов фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманларaro судининг 2011 йил 22 июндаги буйруғига асосан М.Хусановга воёга етмаган икки фарзанди учун ҳар ойда ишлаб топган даромадининг 1/3 қисми миқдоридан алимент тўлаб бориши белгиланган бўлса-да, белгиланган тўловни ўз вақтида тўламай келган.

М.Ваҳобовнинг алиментдан қарзи ҳисобланганда у 2011 йил 22 июндан 2020 йил 1 апрелга қадар 13 млн. 915 минг 679 сўм тўлаши зарурлиги аниқланган. Бирок ижро ҳаракатлари давомида М.Ваҳобов 15 апрель куни 100 минг сўм тўлаган, холос.

Шу сабабли биро ходимлари М.Ваҳобовнинг қарзи юзасидан тўпланган ҳужжатларни Улуғнор тумани маъмурий судига юборди.

Суд 30 апрель куни ишни кўриб чиқиб, алиментни ўз вақтида тўламай юрган М.Ваҳобовга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодекснинг 47<sup>4</sup>-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинлади.

Худди шундай яна бир ҳолат.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманларaro судининг 2015 йил 9 июлдаги ижро ҳужжати асосан Абдумуталиб Турсуновдан М.Турсуновага икки фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди.

Бюронинг Булокбоши тумани бўлими ходимларининг оғохлантиришига қарамай А.Турсунов 11 млн. 487 минг 632 сўм алимент пулини тўламай келган. Шу сабабли туман маъмурий суди 2020 йил 7 май куни А.Турсуновга нисбатан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинлади.

**Камалиддин ЗУЛФИЕВ,**  
МИБ Андижон вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

## КАМ УЧРАЙДИГАН ҲОЛАТ

Оилавий ажримлардан болалар азият чекади. Суд ажрим вақтида жавобгар томонга алимент тўлаш мажбуриятини юклайди. Лекин болага меҳр бериш мажбурияти-чи?

Дунёни сув босса тўпингига ҳам чиқмай-диган айрим алиментчи оталар бу мажбуриятни «унутишадилар». Натижада пулни ундириш билан боғлиқ ишларга МИБ ходимларининг аралашуви керак бўлади. Яқинда ана шундай аралашув кам учрайдиган ҳолат билан интиҳо топди.

Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманларaro судининг 2019 йил 24 январдаги ижро ҳужжати асосан А.Сметуллаевдан Д.Назаримбетовага тўрт фарзандининг таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган. Ота алимент тўлашга масъулият билан ёндашиб, ойма-ой тўлаб келган.

Шунга қарамадан ота карантин вақтида бюронинг Нукус тумани бўлимига уйини фарзандларининг номига расмийлаштириб бермоқчилигини билдириб мурожаат

қилади.

Натижада Мажбурий ижро бюроси Нукус тумани бўлими ходимларининг ёрдами билан А.Сметуллаев фарзандлари балоғатга етгунича тўлаши керак бўлган алимент эвазига туман ҳудудидаги уйини собиқ турмуш ўртоғи Д.Назаримбетованинг номига расмийлаштириб берди ва ижро ҳужжати «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» қонуннинг 41-моддасига асосан тамомланди.

Масъулиятли оталарининг яна бири — фуқаро Ф.Амонов фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманларaro судининг 2016 йил 4 ноябрдаги қарори билан воёга етмаган фарзанди учун алимент тўлаши белгиланган эди.

Бюронинг Ромитан тумани бўлими ходимлари ўтказган профилактик тадбирлардан тўғри хулоса чиқарган Ф.Амонов 2028

йилнинг 30 июнь кунигача бўлган 44 млн. 801 минг сўм алимент пулини олдиндан тўлаб қўя қолди.

Яна бир мисол, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларaro судининг 2015 йил 22 октябрдаги қарори билан Я.Алихўжаевдан М.Мамажоновга фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган.

Бирок Я.Алихўжаев алимент тўлашни пайсалга солиб келган, ҳатто бунинг учун маъмурий жавобгарликка ҳам тортилган.

Я.Алихўжаев МИБ Риштон тумани бўлимига таклиф этилиб, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилса ҳам алимент мажбурий тартибда ундириб олинishi тушунтирилганидан сўнг у М.Мамажоновга 20 млн. сўм алимент тўлади.

**Улуғбек АШУРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи

Ўзбекистонда COVID-19 беморлари ва карантинга олинганлар учун 200 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.



**Жаҳл келса, ақл қочади. «Ғазабланма!».**  
**Ушбу ақидага амал қилган киши ўзини бало-қазолардан асрайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ичидан хуруж қилиб келган ғазабини жиловлай олади. Ҳар қандай зиддиятни босиқлик, ақл-идрок билан енгшига уринади. Тарбия кўрмаган, китоб ўқимаган кимса эса оқибатини ўйламасдан жаҳл устида қўлига эрк беради.**

# ВАҲШИЙЛИК

Наманганлик Санжар Тожиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) йигирма уч ёшида мушгашди. Енгил жароҳат олган рақибни уни кечирди. Жиноят иши ярашилгани туфайли тутатилди. Бироқ Санжар бундан хулоса чиқармади. Орадан бир йил ўтиб-ўтмай ўта оғир жиноятга қўл урди. Бировнинг умрига зомин бўлган қотил 18 йилга озодликдан маҳрум этилди. У амнистия ақлари қўлланиб, жазо муддати қисқарган, қаттиқ тартибли колониядан Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги манзил-колониясига ўтказилиб, назорат остида қурилишда ишлаётган кезлари Жиззахга Чортоқдан келган, ўзидан ўн ёш кичкина аёл билан танишиб, ёктириб қолди.

Аёл билан телефонда бир неча бор гаплашди. Худди машҳур кинофильмдаги («Калина красная») меҳрибон ва раҳмдил аёл каби Наргиза маҳбустга кўнгил

кўйгандай, озодликка чиққанида бағрига оладигандай туюлди. Унинг розилигини олгач, чиқмаган жондан умид деганларидай, Санжар онасига кўнгирак қилиб, совчиликка боришини тайинлади. Онаси ўгли яқин орада озодликка чиққанини айтиб аёлни ота-онасини кўндирди. Санжар билан Наргиза Зафаробод тумани ФХДБ бўлимида қонуний никоҳдан ўтишди.

Жазони ижро этиш муассасаси билан «Агростандарт люкс» корхонаси ўртасида тузилган шартнома асосида 40 нафар маҳбус қатори Санжар ҳам Жиззах шаҳрида қўшқаватли уй қурилишида ишлаётганди. Маҳбусларни ЖИЭК кичик инспектори масъул ходимдан қабул қилиб олиб, иш устида назорат қилиб туради. Расман никоҳдан ўтганларидан кейин Санжар Наргиза билан ҳар куни телефонда гаплашишни қанда қилмайди. У На-

мангандан Жиззахга Санжарнинг ёнига келиб-кейтиб туради. Оила қурганларига ярим йил бўлганди. Санжар унга кўнгирак қилди:

– Яхшимисиз, шаҳардаги ўша қурилишда ишлаяпмиз. Жиззахга келинг.

– Борардим у пулдан қийналиб турирман.

– Иш ҳақимни оламан. Йўлқирага, бошқа харажатларга пул бераман.

– Хўп, эртага бораман.

Наргиза Жиззахга келганидан кейин тартиб-қондага биноан Санжарнинг жазони ижро этиш муассасаси бошлиғига ёзган аризасига асосан икки суткага учрашувга рухсат берилади. Ҳар сафаргидек қурилиш яқинидаги кўчада, ижарага олиб турилган уйда дийдор кўришилади.

– Наргиза менга нотаниш тўрт-беш яшар бола билан келди, – дейди суд мажлисида Санжар Тожиев. – Эртаси куни

соат еттида уйғонгач, қурилиш объектига бориб йўқламадан ўтдим. Ижара уйга қайтиб келиб турмуш ўртоғим ва бола билан бирга нонушта қилдим.

Қотилнинг сўзларига кўра, у соат ўндарда иш жойидан 543 минг сўм ойлик иш ҳақини олиб яна ижара уйга келади. Наргиза бошқа янги кийимини кийиб олибди. Сочларини тараб, пардоз-андоз қилибди. Бола эса Наргизанинг телефонини ўйнаб ўтирибди. Тараниб олгач, у кетаман дейди. Санжар «Икки суткага рухсат берилган-ку, пул зарур бўлса бераман, нимага кетмоқчисан?» дея қайта-қайта сўрайди. Наргиза гўё «меннинг эрим бор, қақирапти» дея жаҳлини чиқаради. «Эринг бўла туриб менга тегдингми, бузуқлик қилиб юрибсанми?» деса, «Ҳоҳлаган ишимни қиламан, сен берган икки юз, уч юз минг сўм нима бўлади? Ўзим сендан кўпроқ пул топаман» деб боланинг қўлидан олган телефондаги бегона эркаклар билан тушган суратларини кўрсатади. Санжар юзига бир мушт уриб қўлидан тортиб олган телефонни полга ташлаб синдиради. Кўчага қочмоқчи бўлган Наргизанин йўлини тўсиб тагин юзига бир неча марта мушт уради. Яна ташқарига қочмоқчи бўлганида орқасидан келиб сочини чангаллаб бўйнига пичок тортиб юборади. Порасида боланинг кўз ўнгида юзубан йиқилиб, типирчилаб, хириллаб ётган аёлни дуч келган жойига пичок санчиб олаверади.

Жанжални эшитганлар эшик олдига тўпланишади. Уй эгаси назоратчини чақиргани қурилишга одам юборади. ЖИЭК кичик инспектори ичкарига кирса, аёл қонга беланиб юзубан ётибди. У «Бўлди, бас қил, пичокни ташла» дейди. Санжар полга ташлаган пичокни назоратчи билан келган маҳбус докада ушлаб ташқарига олиб чиқиб кетади. Етиб келган ИИБ ходимлари қотилнинг қўлига кишан солишади. Экспертга худосасида қайд этилганидек, Санжар рафикасини ваҳшиёна тарзда ўлдирган.

Суд ўта хавфли рецидивистга айланган қотилга ўталмай қолган жазо муддатини қўшган ҳолда 23 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

**Расул МАТХАЛИКОВ,**  
 Бош прокуратура бошқарма  
 АМИБ терговчиси

## «ТЎЁНА» СЎРАГАН СОЛИҚЧИ

Ислом Ашуров 1999 йилдан буён Китоб тумани давлат солиқ инспекциясида участка инспектори вазифасида ишлаб келар эди. Унинг вазифасига бириктирилган ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқларни ўз вақтида тўлашни назорат қилиш, ҳудудда ноқонуний фаолият билан шуғулланиб келаётган шахсларни аниқлаб солиққа тортиш, солиқ инспекцияси бошлиғининг буйруқларига асосан мониторинг ўтказиш кирар эди.

Воқеа бундай бўлди. И.Ашуров Китоб тумани «Али Қўшчи» МФЙда яшовчи тadbиркор О.Тошевни 2014 йилдан буён танир эди. О.Тошев 2018 йилнинг июнь ойи бошларида хусусий тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, «Халқлар дўстлиги» МФЙ Ризвонтепа кўчасида бетон ғишт ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганди. Цехда жами 3 киши ишларди.

Ўша куни солиқчи ўзига бириктирилган ҳудудда айланиб юрган вақтида эски таниши бўлган тadbиркорнинг олдига бориб, яқинда тўй бошлаб қўйганини,

харажат устида турганини айтиб, «ёрдм беришни» сўради. Эвазига бизнесида ёрдм бериб туришни ваъда қилди.

Эртаси куни яна телефонда сўради:

– Кечаги гап нима бўлди?

– Ўзим кўнгирак қиламан, Ислом ака, – тadbиркор шундай деб гапни қисқа қилди.

Тўшдан сўнг тadbиркор унга бир неча бор телефон қилди. Лекин солиқчи иш билан бўлиб, унинг кўнгироқларига жавоб бера олмади. Кечкурун машинасида яна тadbиркорнинг цехига борди ва кўнгирак қилди. Тadbиркор ишхона-

сидан чиқиб келди. Икки оғиз гурунган сўнг «сўраганингиз» деб пул узатди. Солиқчи гўё пешона тери эвазига келган пулни олгандай бемалол уни олиб, машина бардачогига ташлади. Аммо шу пайтнинг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари унга яқинлашиб, саволга тута бошлашди...

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани судида Ислом Ашуровнинг мажмур жиноят иши кўрилди.

Судланувчи И.Ашуров суд мажлисида эълон қилинган айбловга тўлиқ икромлик билдириб, қонуний енгиллик сўради.

Нафсини тия олмаган солиқчининг жинояти унинг икромлигидан ташқари иш юзасидан йиғилган бир қатор далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ҳам ўз исботини топди.

Суд ҳукмига кўра Ислом Ашуровга 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. У 1 йил

муддатга мансабдорлик лавозимларида ҳамда солиқ соҳасидаги вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинди.

Юргимизда тadbиркор ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. Буни Президентимиз такрор-такрор уқтиришдан чарчамайги. Дарҳақиқат, бир тadbиркор ўнлаб иш ўрни ярағида, унинг ортидан қанча оиланинг рўзғори обод бўлади, қозони қайнайди. У олаётган даромадидан давлатга миллионлаб сўм солиқ тўлайди.

Энди бир тасаввур қилинг. Тadbиркорнинг ишига тўсқинлик қилган, устига-устак унга тазйик ўтказган амалдорнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

Шундай қилиб, «тўйга тўёна» сўраган солиқчига бу қилмиши жуда қимматга тушди...

**Тоғмурод МУРОДОВ,**  
 Китоб тумани прокурори

# МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали меҳнат қилган Эмма Хачиян табаррук 80 ёшни қарши олмақда.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мурабий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашди.

Эмма Хачияннинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилган.

Хурматли Эмма Павловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

ТАҲЛИЛ

## МЕДИАЦИЯ РАСМИЯТЧИЛИКДАН ҚОЧИШ

Мамалакатимизда медиация институтини жорий этиш учун 2018 йил 3 июлда «Медиация тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Низоларни медиация усули билан ҳал қилиш эса 2019 йил 1 январдан амалиётга татбиқ этила бошланди.

Қайси низолар яқка меҳнат нисози ҳисобланиши Меҳнат кодексининг 259-моддасида назарда тутилган. Унга кўра яқка меҳнат нисози – иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлари, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликдир.

Меҳнат қонунчилигига асосан яқка меҳнат нисози меҳнат комиссияси ва фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилади. Ходим меҳнат нисозини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра меҳнат низолари комиссиясига ёки бевоқиф судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Яқка меҳнат низоларини меҳнат низолари комиссиялари томонидан кўриб чиқиш Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Меҳнат низоларига доир ишларни судда кўриб чиқиш тартиби Меҳнат кодексидан ташқари Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

Россия тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бу мамлакатда 2010 йил 27 июлда «Низоларни воситачи иштирокида ҳал этишнинг муқобил тартиб-таомили (медиация тартиб-таомили) тўғрисида»ги федерал қонун қабул қилинган

бўлиб, медиациядан фойдаланиш тезда самара берди. Унинг низоларни судда ҳал қилишдан афзаллиги юзасида чикди. Жумладан, суд ва медиация усулини таққослаб, қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, низоларни медиация орқали ҳал этишда судга қараганда қамроқ вақт сарфланади. Бундан ташқари, медиация билан эришилган келишув устидан шикоят қилиш белгиланмаган. Бу унинг тезроқ ижро этилишини таъминлайди. Суд қарори устидан эса шикоят берилиши мумкин ва бу унинг ижросини тўхтатиб туради.

Иккинчидан, воситачилик мутлақ махфий жараёндир. Судда эса журналистлар қатнашиши мумкин.



Учинчидан, ходимлар ва иш берувчилар учун келажақда иш жойини сақлаб қолишга ёрдам берадиган ўзаро алоқаларни сақлаб қолиш жуда муҳим. Судга шикоят қилинганда низо кимнингдир фойдасига ҳал қилинади, бунинг натижасида иш муносабатлари бузилади. Медиацияда томонлар учун ўзаро мақбул ечим топиш мумкин.

Тўртинчидан, медиация тўлиқ танлов эркинлигини назарда тутаяди. Бешинчидан, медиация табиатан универсал характерга эга бўлиб, низоларнинг юрисдикциясини аниқламасдан, медиатор мустақил равишда танланади ва низо ҳал қилинади.

Олтинчидан, воситачилик ҳуқуқий низо ҳал қилиш ва кимнинг ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлаш вазифасини қўймайди, у фақат низо моҳиятини баҳолашда музокара ўтказиш усули ҳисобланади.

Россиянинг медиация тажрибасидан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда медиация амалга оширилатганда даъво муддатининг ўтиши тўхтатиб турилади. Бу эса меҳнат низолари бўйича тарафларга (иш берувчи ва ходимга) ушбу низо бўйича медиация воситасида келишувга эришилмаган тақдирда судга даъво қилиш муддатининг ўтиб кетмаслигини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди.

**Қобилбек ҲАЙДАРОВ,**  
МИБ Андижон вилояти бошқармаси бош инспектори  
**Азизбек ҲАЙИТОВ,**  
вилоят бошқармаси инспектори

## СОЛИҚ ҲИСОБИГА УЙ

Мажбурий ижро бюросининг Термиз тумани бўлимига туманда фаолият кўрсатиб келаётган қурилиш ташкилотлари бирдан 630 млн. сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушди ва ишга киришилди.

Бюронинг бир неча бор расмий огоҳлантиришига қарамай ташкилот мажбуриятини бажармади. Натижада қарздорга тегишли бўлган уй давлат ижрочилари томонидан хатланди ва «E-ijro auktsion» савдосига чиқарилиб, 647 млн сўмга сотилди. Тушган пул Термиз туман солиқ инспекциясининг ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Улуғбек САТТАРОВ,  
МИБ Термиз тумани бўлими бошлиғи

## МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА

Норин туманида истиқомат қилувчи Ф.Бобожоновнинг суд қарори ижро этилмаётгани юзасидан йўллаган мурожаати МИБ Наманган вилояти бошқармасида кўриб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида маниқланишча, фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судининг 2014 йил 13 октябрдаги ижро ҳужжати асосан Б.Бобожоновдан Ф.Бобожоновга алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Норин тумани бўлими иш юритувига олинган бўлиб, керакли чоралар кўрилган. Лекин Б.Бобожонов ижро ҳужжати талабларини бажармаган. Шундан сўнг давлат ижросининг қарори билан Б.Бобожоновнинг Ўзбе-

кистондан чиқиш ҳуқуқига вақтинча чеклов қўйилган.

Ўрганишда Б.Бобожоновнинг алиментдан 32 млн. 481 минг сўм қарзи борлиги аниқланди ва нақд пул шаклида ундирилиб, мурожаатчига топширилди.

Мажбурий ижро бюроси органларида фуқароларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолмайди.

**Элдорбек БЕКМУРОДОВ,**  
МИБ Наманган вилояти бошқармаси шўъба инспектори

Украина президенти Рамазон ва Қурбон ҳайит байрамларини мамлакат бўйлаб давлат байрами сифатида нишонлаш юзасидан фармон имзолаш ниятида.

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

**Jahongir MAKSUMOV**

TAHRIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodiqjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUDDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIRIYAT  
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85**



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)

[info@huquq.uz](mailto:info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart.  
[i] – tijorat materiallari.

Buyurtma v.4167.  
18 695 nusxada bosildi.  
O'qog'uz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalanadi. «HUQUQ» original maketi.

Nashriyotchi muharrir: KASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.  
Korxonasi manzili: Toshkent shahar,  
Alfsher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг  
охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси Гавхар Баджоновнага турмуш ўртоғи

**Рахматулла  
АЛЕМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

28-MAY 2020-Y.

HUQUQ № 21

(12.18)

11



# САЛОМАТЛИК МУҲИММИ ЁКИ САВДО?

Бугун халқимиз бутун дунёда бўлгани каби синовли кунларни бошдан ўтказмоқда. Касалликка қарши курашиш, унинг кенг тарқалиб кетиши олдини олиш мақсадида давлатимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларимиздан карантин қоидаларига қатъий амал қилишлари талаб этилмоқда.

Суратларда кўрганнгиз каби шароитда салқин ичимлик сотаётганлар эътиборимизни тортди. Пойтахт кўчаларида салқин ичимликларнинг очиқ савдоси билан шуғулланиш учун қандай тартиб асосида ва ким томонидан рухсат берилади? Қолаверса, ҳозирги шароитда бундай салқин ичимликлар инсонлар саломатлигига зарар етказмаслигига кафолат борми? Бу борада мутасаддиларнинг изоҳларини кутиб қоламиз.

## «БАРСА» НИҚОБЛАРИ

Коронавирус пандемияси даврида бутун дунё тиббий ниқоблардан фойдаланмоқда.

«Барселона» клуби ўз мухлислари учун эксклюзив дизайнда ниқоблар сотишни бошлади. Бу ҳақда клубнинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида эълон қилинди.



Ниқобларни клуб дўконидан харид қилиш мумкин. Ла лига давом эттирилганида Каталония клуби футболчилари ушбу ниқоблардан фойдаланади.

Клуб матбуот хизмати қайта ишлатилган ҳимоя ниқобларини сотиш бошланганини эълон қилди. Маҳсулот нархи – 18 евро. Уни қирқ мартагача ювиш мумкин. Ниқоблар Каталония клуби либоси рангларида тайёрланган. Уч хил дизайндаги варианти мавжуд.

Ниқоблар «Барселона»нинг расмий интернет-дўконидан сотилади.

SPORT



## ТАЙСОН UFC ЖАНГЧИСИГА ҚАРШИ

Қўлқопсиз жанглари ташкил этувчи «Bare Knuckle Fighting Championship» (BKFC) промоушени 53 ёшли машҳур боксчи Майк Тайсонга қизиқарли таклиф тайёрлаб қўйди.

Ушбу компания Тайсонга жанг учун 20 млн. доллар беришга тайёр. Шунингдек, у собиқ боксчига рақиб ҳам топиб қўйган. Агар Майк таклифга рози бўлса, бразилиялик собиқ UFC жангчиси Вандерлей Силвага қарши жанг қилади. Ўз навбатида боксчи пул муҳим эмаслигини, рингга қайтишни хайрия ишларига бағишлаганини айтди. Бу ҳақда Тайсон «DailyStar» нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди.

Тайсоннинг таъкидлашича, жангдан тушган барча пулни

мухтожларга ва наркотик моддаларга ружу қўйганларни бу дарддан халос қилишга сарфламоқчи.

Тайсон ўзини ажаойиб спорт формасида хис қилаётганини таъкидлаб, тезлиги ва кучини ижтимоий тармоқларидаги турли роликларда намоён этди.

«Мен ўзимни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ҳис қилаяпман. Худо менга раҳм қилди. Менинг вазним ҳозир 90 кг!», – дейди Тайсон.

## ИДЕАЛ ҲУЖУМЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Роналдониң кучи ва Мессининг зарбаси бирлашса нима бўлишини биласизми? Бунақа ҳужумчини ҳеч ким тўхтатолмайди.

Испаниянинг «Магса» нашри замонамизнинг идеал ҳужумчиси тинчлигини яратди. Нашр мутахассислари яқин ўтмиш ва замонамизнинг энг кучли ҳужумчиларининг устун томонларини ўрганиб чиқиб, бу хусусиятларни бир футболчида жамлади.

Демак, танишинг, ҳужумчи идеал бўлиши учун куйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: куч-қуввати – Роналдоники («Реал» ва «Барселона»); тезлиги – Жейми Вардиники («Лестер»); маҳорати – Марко ван Бастенники («Милан»); чап оёқ зарбаси – Лионель Мессиники («Барселона»); ўнг оёқ зарбаси – Килиан Мбаппеники (ПСЖ); бош билан уйнаши – Сантьяльянаники («Реал»); мослашувчанлиги ва вазиятлардан фойдаланиши – Герхард Мюллерники («Бавария»); гол сезиш қобилияти – Гари Линекер («Барселона», «Тоттенҳэм»); характер – Криштиану Роналду («Ювентус»).

Юқорида номи зикр этилган ҳужумчилар ўз хусусиятлари билан жаҳон футболда ўзига яраша из қолдирган. Энди уларнинг кучли жиҳатларини мужассам этган футболчи майдонга тушса нималар бўлишини тасаввур қилаверинг.

Интернет хабарлари асосида

